



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 31 декабрь, № 256 (5930)

Сешанба

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Янги, 2014 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар ва етакчи компаниялар раҳбарлари, чет эллик жамоат арбоблари Юртбошимиз ва мамлакатимиз халқига бахт-саодат, тинчлик-осойишталик ва фаровонлик тилаб ўзларининг эзгу ниятлари изҳор этилган самимий қутловларини йўлладилар. Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллашган:

Россия Федерацияси Президенти **Владимир Путин**

Россия Федерацияси
Ҳукумати Раиси **Дмитрий Медведев**

Япония Бош вазири **Шинзо Абэ**

Корея Республикаси Президенти **Пак Кин Хэ**

Буюк Британия Бош вазири **Дэвид Кэмерон**

Канада Бош вазири **Стивен Харпер**

Норвегия Қироли **Харальд V**

Исландия Республикаси
Президенти **Олавер Рагнар Гримссон**

Қозоғистон Республикаси
Президенти **Нурсултон Назарбоев**

Туркменистон Президенти
Гурбангули Бердимухамедов

Украина Президенти **Виктор Янукович**

Тожикистон Республикаси
Президенти **Имомали Раҳмон**

Кувейт Давлати Амири
Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ

Эрон Ислам Республикаси
Президенти **Ҳасан Рухоний**

Мўғлистон Президенти **Цахиагийн Элбэгдорж**

МДҲ Ижроия қўмитаси раиси —
Ижро этувчи котиби **Сергей Лебедев**

НАТО Бош котиби **Андерс Фог Расмуссен**

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги
президенти (ЖАЙКА) **Акихико Танака**

«Марубени» корпорацияси президенти
ва Бош ижрочи директори **Фумия Кокубу**

«Сименс» компанияси президенти ва
Бош ижрочи директори **Жой Кайсер**

Табриқномалар келиши давом этмоқда.

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш борасида кенг қўламадаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Бунинг учун мустақам ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратилди.

■ ПАРЛАМЕНТ ҲАЁТИ

Мақсуд сазъ-ҳаракатлар самараси ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари роли кучайиб, улар кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ҳал қилувчи омилга айланиб бораётганида яққол намён бўлаётди. Бугунги кунда нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашга қўлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимда давлатимиз

раҳбари томонидан айтиб ўтилганидек, нодавлат нотижорат ташкилотлари соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандликни таъминлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларидаги долзарб муаммоларни ҳал қилиш бўйича дастурларни амалга оширишга, шунингдек, ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш жараёнига кенг жалб қилинмоқда. Концепция доирасида тайёрланаётган қонун лойиҳалари, айни пайтда катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатлари бўйича жамоатчилик ўртасида муҳокамалар ўтказилмоқда.

(Давоми 2-бетда.)

ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЮКСАЛИШ

Иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш ва тубдан янгилаш бўйича белгиланган устувор вазибаларнинг ижроси бевосита жалб этилаётган инвестициялар ҳажмига боғлиқ. Бироқ сармоя ўз-ўзидан келавермайди. У барқарор ривожланаётган, инвесторларнинг ҳуқуқлари кафолатланган манзилларгагина йўналтирилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонимизда муҳайё қилинган бўлиб, у истиқлол йилларида қулай инвестициявий муҳитни шакллантириш мақсадида изчил амалга оширилаётган ислохотлар самарасидир.

■ ИСЛОХОТ

Таъкидлаш жоизки, республикамизда инвестициялар оқими йил сайин кенгайиб бораёпти. Мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз тармоқларида 162 миллиард АҚШ долларидан ортиқ капитал маблағ ўзлаштирилган, бунинг 56 миллиард АҚШ долларидан зиёдини хорижий инвестициялар ташкил қилгани шундай дейишимизга асос бўла олади.

Жалб қилинаётган маблағлар эса унумли фойдаланган ҳолда, асосан, замонавий корхоналар барпо этиш, инфрамуҳит объектлари бунёд қилиш, намунавий лойиҳалар бўйича уй-жойлар қуриш каби аниқ мақсадларга ишлатилаёпти. Бунинг самараси, энг аввало, жаҳон бозоридан рақобатбардош бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилаётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфасининг тубдан ўзгариб, аҳоли фаровонлиги ва ҳаёт сифати ошиб бораётганида намён бўлаяпти.

(Давоми 2-бетда.)



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Америкалик олим тараққиётнинг «ўзбек модели» ҳақида

“Ўзбекистоннинг жадал тараққиёти глобал инқирозлар бўлишига қарамасдан, мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда муваффақиятларга эришиши мумкинлигини намоиш этмоқда”. Нью-Йорк давлат университети профессори, “Глобал илмий тўпламлар” нашрининг директори (АҚШ) Парвиз Морвиж шундай баёнот берди.

■ ЭЪТИРОФ

У “Жаҳон” ахборот агентлигининг муҳбири билан бўлиб ўтган суҳбат чоғида Ўзбекистоннинг мустақил тараққиёт йиллари давомида эришган муваффақиятлари ҳақида қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди:

— Тараққиётнинг “ўзбек модели”ни чуқур тадқиқ этиш ва унинг асосида тегишли стратегияларни қабул қилиш орқали турли мамлакатлардаги қатор ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий

масалаларнинг ечимини топиш мумкин. Ўзбекистоннинг макро-иқтисодий кўрсаткичлари қисқа муддат мобайнида мамлакат қўлга киритган ютуқларнинг тасдиғи ҳисобланади.

Демографик ўсиш шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти бошланғич даражадан тўрт баравар, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса у уч баробар ошди. Дунёнинг кўплаб давлатларидан фарқли ўларок, 2008 йилдан 2013 йилгача

бўлган даврда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш кўрсаткичи 8 фоиздан зиёдни ташкил этди.

Бундан ташқари, ўтган йиллар давомида Ўзбекистон иқтисодиётига жалб қилинган 160 миллиард АҚШ долларидан ортиқ сармоянинг 56 миллиарди хорижликларга тегишлидир. 2013 йили капитал қўйилмаларнинг ҳажми 14 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотиди

саноатнинг ҳиссаси ортиши ва унда қишлоқ хўжалиги улушининг пасайиши ҳам диққатга сазовордир.

Шуни ҳам таъкидлашни истардимки, таълим-тарбия соҳасига қаратилаётган алоҳида эътибор, яъни мамлакат ёшларининг билим даражасини юксалтиришга бўлган интилиш Ўзбекистон раҳбарияти томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг кадр-қимматини белгилайдиган энг муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади. Бу ёш авлод келажақда ўзбек халқининг бутун дунёга машхур аждодлари сингари жаҳон тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишига шубҳа йўқ.

«Жаҳон» АА.
Нью-Йорк

Қисқа сатрларда

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 декабрдаги Ватан ҳимоячилари кун байрамига тайёргарлик кўриш ва уни юқори савияда ўтказишга асосан, Қорақалпоғистон Республикасида ҳам маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Улардан бири Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида ташкил этилди. Унда Ватан, истиқлол, ёшлик ва муҳаббатни тараннум этувчи кўшиқлар янгради.

● Республика Байналмилал маданият марказида “Фуқароларро ва миллатлараро тотувлик — юрт ободлигини таъминлашнинг муҳим омили” мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда жойлардаги миллий маданий марказлар ишларини мувофиқлаштирувчи кенгашлар фаолиятини янада такомиллаштириш, таъсирчанлигини оширишга қаратилган тавсиялар қабул қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинди.

● Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ўтказилган “Қадрдон шахрми экологияси — 2013” болалар расмлар кўриктанлови ғолиблари аниқланди. Солиндорларга планшетлар, электрон адабиётлар ва мобиль телефонлар тақдим этилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

■ «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ»



Ғамхўрликдан бахраманд диллар

Бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Янги йил байрами шуккуҳи кезмоқда. Юртдошларимиз кайфияти кўтаринки, нигоҳларида қувонч, чехраларида мамнулик ифодаси. Айниқса, болажонлар шодлигининг чек-чегараси йўқ. Зеро, “Соғлом бола йили” деб ном

олган 2014 йил арафасида улар учун бир қатор эзгу тадбирлар ташкил этилмоқда. Хусусан, бу борада аънавий тарзда ўтказиб келинаётган “Президент арчаси” байрам тадбирларининг аҳамияти беқиёсдир.

(Давоми 2-бетда.)

Янги йил савдо-ярмаркалари

Бозор — юрт ободлиги, эл маъмурчилиги белгиси. Айни пайтда мамлакатимиз, хусусан, Тошкент шаҳри бозорлари ни айланган киши бунга яна бир қарра ишонч ҳосил қилади.

■ ТУҲФА

Гап шундаки, деҳқонларимиз томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари жорий йилнинг 20 декабридан бошлаб пойтахт аҳлига байрам туҳфаси сифатида деҳқон бозорларида арзонлаштирилган нархларда тақлиф этилмоқда.

Жумладан, Тошкентнинг энг йирик бозорларидан бири — “Авиасозлар деҳқон бозори” очиқ акциядорлик жамиятига Наманган, Навоий, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари фермер ҳамда тадбиркорлари томонидан гўшт, тухум, картошка, пиёз, гуруч, балик, салқин ичимликлар, қандолат маҳсулотларининг савдо-ярмаркаси ташкил қилинган.

— Пойтахтликларга шу кунгача 25 тоннадан ортиқ гўшт, 300 тонна сабзавот, 100 тонна картошка, 200 тонна мева ҳамда 80 тонна полиз маҳсулотларини сотдик, — дейди Наманган вилояти ҳокимлиги бош мутахассиси Алишер Жавҳаров. — Янги йилгача яна 700 тоннага яқин мева-сабзавот етказиб бериш ниятдаимиз. Бунинг учун эса имкониятларимиз етарли. Чунки ҳозирги кунда вилоятимизда мева-сабзавотчилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган мингдан зиёд фермер хўжаликлари мавжуд бўлса, уларнинг ҳаммаси юртимизда замин неъматларини қўллаб етиштиришга қаратилаётган эътибор туфайли юқори самарадорликка эришяпти.

(Давоми 2-бетда.)

ИНВЕСТИЦИЯ, МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ЮКСАЛИШ

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Аҳамиятли жиҳати шундаки, юртимизда хорижий инвесторлар, айниқса, юқори технологик ишлаб чиқаришни ривожлантиришга тўғриватган тўғри инвестициялар сарфлаётганлар учун мақбул даражада қулай шароит яратиб бериш йўлидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ушбу жараёнда дастурий-амал бўлаётган.

Гап шундаки, мазкур ҳужжатга мувофиқ, тақдим қилинаётган имтиёзлар янги-янги ҳамкорлар топиш, уларнинг сармояси иштирокида ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиш, мавжудларини замон талабларига мос равишда техник ва технологик жиҳатдан модернизациялаш лойиҳаларини муваффақиятли амалга оширишда қўл келаяпти. Биргина 2013 йилнинг ўзиде ялпи ички маҳсулотга нисбатан 23 фоизни ташкил этадиган, қарийб 14 миллиард АҚШ доллари миқдорда инвестициялар ўзлаштирилгани, айниқса, саноатимиз ривожига янги уфқларни очиб берди.

Инвестицияларнинг асосий қисми энгил, озиқ-овқат, кимё, ёғочни қайта ишлаш, қурилиш материаллари, машинасозлик саноатлари ва иқтисодий тизимнинг бошқа етакчи тармоқларига йўналтириляпти. Бунинг эвазига энергетика тизимидagi «Тошкент ИЭМ» очик акциядорлик жамиятида конгенерацион газ турбина технологияси жорий этилган бўлса, нефть-газ саноатида «Сомонтена» ва «Жанубий Ўртабук» конларини ободонлаштириш ҳамда сикши компресс станцияси қуриш, «Жанубий Ўртабук — Муборак газни қайта ишлаш заводи» газ қувурини қуриш, Муборак газни қайта ишлаш заводида эскирган қуват-

ларни янгилаш лойиҳалари муваффақиятли бажарилди.

Шу каби йирик инвестициявий лойиҳалар қурилиш материаллари саноатида ҳам рўйбга чиқарилгани маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кўпайтириш, табиий ресурсларни тежаш имконини берди. «Бекободцемент» очик акциядорлик жамиятида барпо этилган куруқ услубда цемент ишлаб чиқариш линияси — шулардан бири. Лойиҳа қиймати 62 миллион АҚШ долларилик ушбу линия Хитойнинг «China CAMC Engineering Co. LTD» компанияси кўмағида ишга туширилган бўлиб, унинг ёрдамида бир кеча-кундузда 2500 тонна клинкер тайёрлаш мумкин. Бу эса 2013 йилда заводда ишлаб чиқарилган цемент ҳажмини бир миллион тоннадан ошириш имкониятини яратди.

— Жамиятимизда ўрнатилган технологиялар замонавий ва тежамкор, экологик жиҳатдан эса жуда фойдали, — дейди унинг бош мудири Эркин Қурбонов. — Айниқса, хом ашёнинг миқдоридан тортиб, тайёр маҳсулотнинг сифатига ҳам бўлган жараён марказлаштирилган компьютерлар ёрдамида назорат қилинаётгани келгусида корхонамиз салоҳиятини бундан-да юксалтириш, қурилиш саноати учун зарур бўлган цемент ишлаб чиқариш ҳажмини орттиришга хизмат қилади. Зеро, клинкер цемент ишлаб чиқаришда энг асосий хом ашёлардан бири эканлигини, юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларининг кўлами тўбора кенгайиб бораётганини инобатга олсак, бу жуда муҳим лойиҳадир.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, чет эллик инвесторларнинг иқтисодий тизимга бўлган қизиқишининг кучайишида энгил саноатимизнинг жозибadorлиги ҳам муҳим аҳамият касб этаётган. Бу эса, ўз навбатида, чет эл сармояси иштирокида саноатнинг тўқимачилик, трикотаж, тикувчилик ва ипакчилик тармоқлари-

да янги фабрикалар очилиб, мингмиглаб иш ўринлари яратилишига мустахкам замин ҳозирляпти, албатта. Истиқлол йилларида 2,1 миллиард АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб этилгани бунинг амалий тасдиғидир.

Дунёдаги давлатларнинг аксариятида глобал молиявий-иктисодий инқироз таъсирида инвестициялар оқими сусайиб бораётган ҳозирги пайтда, юртимизда ўзлаштирилаётган чет эл инвестициялари тобора ошиб бораётгани, том маънода, эътирофга лойик. Бу узокни кўзлаб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислохотларнинг ҳаётлиги, Ўзбекистон иқтисодий тизимнинг рақобатбардошлиги билан изоҳланади.

Айни пайтда «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси тизимда 290 та корхона фаолият кўрсатаётган бўлиб, шундан қарийб 160 таси АҚШ, Германия, Италия, Жанубий Корея, Сингапур, Швейцария, Ҳиндистон, Япония каби давлатларнинг сармояси иштирокида ташкил этилган.

— Энгил саноат тармоқларига жалб этилаётган инвестициялар ҳажмининг юқори суръатларда ўсиши чет эллик инвесторларнинг республика иқтисодий тизим ривожлантириш истиқболларига ишончи ортиб бораётганидан далолат беради, — дейди «Ўзбекенгилсаноат» ДАК бошқаруви раисининг биринчи ўринбасари Максуд Мансуров. — Бу ҳар йили ўнлаб йирик лойиҳаларни амалга етказиб, қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, экспорт салоҳиятини оширишга туртки бераёпти. Хусусан, 2013 йилда уму-

лий қиймати 231,9 миллион АҚШ долларилик 30 дан зиёд инвестициявий лойиҳалар ишга туширилиши кўзда тутилган бўлиб, бу амалда тўлиқ бажарилди. Лойиҳа қиймати 7,2 миллион АҚШ доллари тенг «Намимпекс текстиль» масъулияти чекланган жамиятида тўқимачилик комплексини ташкил этиш, «Индорама Кўкон текстиль» кўшма корхонасида инвестиция ҳажми 31 миллион АҚШ долларилик навбатдаги босқични ишга тушириш, «Пешкутек» кўшма корхонасида ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва бошқалар шулар жумласидандир.

2013 йилда германиялик ҳамкорлар кўмағида иш бошлаган «Жиззах-пластик» кўшма корхонаси тармоқдаги энг йирик инвестициявий лойиҳалардан бири саналади. Лойиҳа қиймати 42 миллион АҚШ доллари тенг бўлган ушбу корхонанинг биринчи навбати ишга туширилиши билан йилга 12 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш, 8,5 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Унинг иккинчи босқичи 2014 йилда ишга туширилиши мўлжалланаётган бўлиб, пировардида шу ернинг ўзиде ярим тайёр маҳсулот, ундан эса тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бошқача айтганда, тўрт минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқариш, 6 миллион дона тайёр кийим-кечак маҳсулотлари тикиш имконияти пайдо бўлади.

Бугунги кунда корхонада 300 нафар киши иш билан таъминланган. Уларнинг аксарияти вилоятдаги касб-хўнар коллежларини тамомлаган ёш мутахассислар эканлиги диққатга сазовордир.

Хулоса ўрнида айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган бу каби истиқболли лойиҳалар мингглаб янги иш ўринлари яратиб, қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини кескин ошириш, муҳими, иқтисодий тизим қудратини юксалтирувчи омил сифатида хизмат қилаётгани муҳим аҳамиятга эгадир.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



Ғамхўрликдан баҳраманд диллар



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Мазкур тадбирни мазмуни ва кўтаринки руҳда ташкил этиш мақсадида Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазириликлари, «Sen Yol'g'iz Emassan» Республика жамоатчилик болалар жамғармаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошхартрансхизмат» уюшмаси ҳамкорлигида байрам тадбирига алоҳида тайёргарлик кўрилди.

— Ушбу тадбир, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ва мамлакатимизнинг барча вилоятларида кўтаринки руҳда ўтказилмоқда, — дейди Халқ таълими вазириликнинг Маънавий-

ахлоқий тарбия бошқармаси бошлиғи Ҳикматилла Даминов. — Жойларда болаларга Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан ўқув қуроллари, ўйинчоғу ширинликлардан иборат байрам совғалари топшириляпти. Зеро, эзгулик, саховат ва меҳр-муруват ифодаси бўлиши ушбу тадбир мамлакатимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътибор оғушида эканлигини далолатдир.

«Туркистон» саройидаги мухташам сахнада намойиш этилаётган «Меҳрни дунё» номли мюзикли «Томоша» болалар театр-студияси аъзолари ижро этмоқдалар. Гузал мусиқий дастур намойишидан аввал эса санъат саройи фойе-

сидаги кўркам арча атрофида болалар шеърлар айтиб, кўшиқлар қўйлаб, турли интеллектуал ўйинлар орқали топқирликларини синаб кўришмоқда. Эртак қаҳрамонлари ижросидаги чиқишлар эса жажжи ўғил-қизларни эртакларнинг сирли олами сари етакляпти.

— «Президент арчаси» тадбирлари орқали мурғак қалбларга инган секин кўпга татийди, — дейди пойтахтимиздаги 24-Меҳрибон уйи тарбиячиси Нодира Шукурова. — Биз ҳам уларнинг хурсандчилигига шерик бўлганимиздан мамнун бўлган. Президентимизга раҳмат. Бундай юксак меҳр-муруватни ҳис қилиб улғаяётган ёшлардан келажакда эл-юртнинг чинакам фойдоилари этишига чиқишига ишончимиз комил.

Айни пайтда жойларда ўтказилаётган «Президент арчаси» байрам томошаларида ўн мингдан зиёд болалар қатнашапти. Уларга давлатимиз раҳбарининг Янги йил совғалари топширилмоқда.

Омонулла ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Халқ сўзи Народное слово

Обод турмуш йили муносабати билан «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари таҳририяти энг яхши мақола ва фотосуратлар танловини эълон қилган эди. Танлов якунлари ишчи гуруҳи томонидан кўриб чиқилди.

Ғолиблар аниқланди

Унга кўра, биринчи ўринга «Ўзбекистон темир йўллари: изчиллик, юксалиш ва истиқбол» сарлавҳали мақола муаллифи Сувонкул Рустамов, «Жить тем, во что верим» («Ишонч билан яшайлик») сарлавҳали мақола муаллифи Денис Довлатов, иккинчи ўринга «Обод юрт бунёдкорлари» сарлавҳали мақола муаллифи Ҳасанов Абдураҳмон, «Выше мне, сестрица, сюзана...» («Сингилжон, менга сўзана тикиб бер...») сарлавҳали мақола муаллифи Ирина Рябкова, учинчи ўринга «Камолот ва нафосат мактаби» ҳамда «Улкан тарихий қадам» сарлавҳали туркум суратли лавҳалар муаллифи Шомурот Шарапов, «Путь к пьедесталу» («Шохсупага йўл») сарлавҳали суратли лавҳалар муаллифи Ботир Қудратов лойиқ кўрилди.

Шунингдек, «Матонатда тенгсиз, кўнгли оқ инсонлар» мақоласи муаллифи Анвар Обиджон, «Уверенный путь к светломому будущему» («Эркин келажакка дадил қадам») мақоласи муаллифи Акмал Абраев рағбатлантирувчи мукофотларга муносиб, деб топилди. Ғолиблар диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Янги йил савдо-ярмаркалари



«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Янги йил савдо-ярмаркасида «Озиқ-овқат саноати корхоналари», «Ўзулгуржисавдоинвест» уюшмалари таркибидеги ишлаб чи-

қариш ва савдо корхоналари, шунингдек, импорт билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъектлари ҳам фаол иштирок этмоқда. «Агро Ми», «Tegen Group», «Master Global Plus»,

«Patesere Antonio», «Янгийўл сут», «Solo Gold Exclusive» шулар сирасига қиради. — Бозорларда Янги йил савдо-ярмаркаларининг ташкил этилиши пойтахт аҳолиси учун ҳақиқий бай-

рам тухфаси бўлди, — дейди «Авиасозлар деҳқон бозори» очик акциядорлик жамияти директори ўринбасари Собир Раимов. — Негаки, ушбу тадбир тўғрисида пойтахтликлар озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тизимли ҳамда қафолатли тарзда таъминланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, маҳсулотлар хавфсизлиги ва нархлар барқарорлигига эришишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Харидорлар томонидан бир кунда 1,5 тоннагача гўшт, 50 минг донагача тухум, 3 тоннадан ортиқ қандолар маҳсулотлари сотиб олинаётганининг боиси шунда.

Дарҳақиқат, қишлоқ мулкдорларининг шаҳарликларга яратётган бундай қулайликлари уларнинг Янги йил дастурхони янада фойдали бўлишига хизмат қилмоқда.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Давоми. Бошланиши 1-бетда».

Парламент комиссиясининг навбатдаги йиғилишида шулар алоҳида таъкидланди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди орқали молиялаштирилаётган давлат грантлари лойиҳалари ҳамда ижтимоий буюртмалари орқали фуқаролик институтилари 30 дан ортиқ умум-миллий, давлат ва ҳудудий дастурларни амалга оширишда бевосита иштирок этаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Уларнинг фаоллигини янада ошириш мақсадида парламент комиссияси қарорларига асосан, жорий йилда фақатгина давлат грантлари кўмағида маҳаллий ННТнинг 250 дан ортиқ ташаббуслари ижтимоий лойиҳалар кўринишида қўллаб-қувватланди, — дейди Жамоат фонди директори А. Тўраев. — Ушбу лойиҳалар давлат органлари билан шерикликда баркамол авлодни тарбиялаш, жамиятга соғлом турмуш тарзини янада мустахкамлаш ва аҳолининг экологик, табиий маданиятини юксалтириш, кўчалар, маҳаллалар, шаҳарлар ободончилигини яхшилаш, миллатлараро тинчлик ва тотувлиқни, бағрикенгликни янада мустахкамлаш, аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва фаровонлигини ошириш каби қатор йўналишларда амалга оширилмоқда.

Энг асосийси, мазкур жараёнлар тўғрисида жойларда ижтимоий шериклик мустахкамланмоқда. Бу давлат органлари билан шартномалар ва меъморандумлар тузиш, ҳамкорликда иш режаларини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш

Фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Парламент комиссиясининг кенгайтирилган йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазириликнинг фойдали мақсадада тузилган. Ушбу жамоат ва нодавлат ташкилотларнинг 40 фоизи шаҳар, 60 фоизи эса қишлоқ жойларида фаолият юритмоқда.

2009 — 2013 йилларда ўтказилган танловларда Қашқадарё вилоятидан 155 га яқин ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтилари ўзларининг ижтимоий аҳамиятга эга бўлган лойиҳалари билан иштирок этди, — дейди Андижон вилоятининг ўринбасари Ш. Турсунов. — Шу давр давомида парламент комиссияси қарорларига мувофиқ, Андижон вилоятининг 38 та лойиҳа молиялаштирилиб, уларни муваффақиятли амалга оширишда жойлардаги ҳоки-

мият органлари вилоятда фаолият кўрсатаётган жамоат ташкилотларига яқиндан амалий кўмак бериб келмоқда.

Парламент комиссияси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари вакиллари учун семинар ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбарининг Конституцияимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларининг ахбороти тингланди.

Тадбирда мазкур соҳаларда фаолият юритаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларининг давлат дастурига қўйилган қаратилган тақдирлари муваффақиятли муҳомакасида ўтказилиб, дастурни ишлаб чиқиш ва

Гулистонда яна бир қўшма корхона

Гулистон шаҳрида «Гулистан Сокс Бизнес» қўшма корхонаси иш бошлади. Хитойлик ҳамкорлар билан амалга оширилган мазкур лойиҳа 300 минг АҚШ доллари миқдоридеги чет эл инвестицияси ҳисобига рўйбга чиқарилди. Натижанда Сирдарё вилоятда бир неча турдаги пайпоқ ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилди.

ИНТИЛИШ

— Кунига 2-2,5 минг жуфт маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз, — дейди корхона раҳбари Ахрор Тошматов.

— Ишлаб чиқариш линиямиз энг илғор ускуналар билан жиҳозланган.

Яна бир эътиборли жиҳати, янги корхона шарофати билан 25 та иш ўрни яратилди. Хитойлик мутахассислар томонидан олиб борилган малака ошириш машғулотлари эса корхона чеварларининг технологик жараёнларни мукамал ўзлаштириб олишларида муҳим омил бўлди.

Аҳмадпай ШЕРНАЗАРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

уни амалга ошириш жараёнига жамоат ташкилотлари вакиллари янада кенг жалб қилиш борасида бир қатор фикрлар билдирилди.

Семинарда жамоат ва давлат ташкилотлари вакиллари Соғлом бола йилида оналик ҳамда болаликни ҳимоя қилиш, баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти томонидан давлат ҳокимияти ва жамоат ташкилотлари вакиллари учун семинар ташкил этилди. Унда давлатимиз раҳбарининг Конституцияимиз қабул қилинганнинг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, «Соғлом бола йили» Давлат дастурини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларининг ахбороти тингланди.

Тадбирда мазкур соҳаларда фаолият юритаётган ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтиларининг давлат дастурига қўйилган қаратилган тақдирлари муваффақиятли муҳомакасида ўтказилиб, дастурни ишлаб чиқиш ва

Саиджон МАХСУМОВ.

Qishloq Qurilish Bank

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самараси, бошқа жойларда бўлганидек, Андижон вилоятида ҳам кўзга яққол ташланмоқда. Айниқса, кейинги йилларда бу ерда катта ўзгаришлар юз берди, улкан бунёдкорлик ишлари бажарилди. Натижада вилоят маркази, шаҳар ва туманлар, чекка қишлоқларнинг қиёфаси тубдан ўзгарди. Буларга ҳамоҳанг тарзда аҳоли фаровонлиги ҳам юксалиб бормоқда. Мазкур жараёнда "Қишлоқ қурилиш банк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Андижон минтақавий филиали ҳам ўз хизматлари билан муносиб қатнашмоқда.

2013 йилда вилоятда 74 минг 88 та иш ўрни яратилиши белги-ланган бўлиб, амалда 77 минг 377 та иш ўрни ташкил этилди. Аҳоли бандлигини таъминлашга кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-лик субъектлари катта ҳисса қўшди. Ўз навбатида, уларга кредитлар ажратиш, бизнес-лойиҳаларини рўйбга чиқаришда филиал мутахассислари яқиндан ёрдам бердилар.

Жорий йилнинг 11 ойи давомида банкининг кредит қўйилмалари йил бошидагига нисбатан 145 фоиз ёки 59,7 миллиард сўмга ошиб, 192,4 миллиард сўмни ташкил қилди. Банк томонидан барча манбалар ҳисобидан ажратилган кредитлар эвазига эса 714 та иш ўрни яратилди.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар ҳам эътиборга молиқдир. Юртимиз аҳолисининг озиқ-овқат махсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор таъминлаш, ички истеъмол бозорини мамлакатда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат махсулотлари билан тўлдириш, қишлоқ жойларда замонавий, юқори унумли техника ва технологиялар билан жиҳозланган қайта ишловчи ичак корхоналарни барпо этиш, шу асосда янги иш ўринларини яратиш, аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида банк томонидан қарийб 3,5 миллиард сўмлик кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1,7 марта ёки 1,5 миллиард сўмга ортди.

— 2004 йилда паррандачиликка асос солган эдик, — дейди Хўжаобод туманидаги "Golden bird" масъулияти чекланган жамияти раҳбари А. Раҳматуллоев. — Фаолиятимизни янада кенгайтиришда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмаги кўл келаяпти. Мисол учун, 2011 йилда мазкур банкининг Хўжаобод тумани бўлимидан 150

Эзгу ниятлар, кенг имкониятлар



миллион сўм, ўтган йилда эса 203 миллион сўм миқдорда кредит олиб, парранда экса сонини кўпайтиришга муваффақ бўлдик. Ҳозирги кунда 37 мингдан зиёд парранда парваришляямиз. Бунинг натижасида ҳар ойда ўртача 250 минг дона туғим истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан эса, банк томонидан рақобатбардор, юқори сифатли ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда турларини кенгайтиришни рағбатлантириш, ички ис-

93 та хўжалик юритувчи субъектга жами 3,9 млрд. сўмлик кредитлар ажратилиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг 1 декабрь ҳолатига нисбатан 1,4 баробар ёки 1,2 миллиард сўмга осди.

— Бир неча йилдан буён тадбиркорлик билан шуғулланаман, — дейди Қурғонтепа туманидаги "Капитал белла" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Муҳаббатхон Юлдашева. — Тикув-трикотаж махсулотлари кўпайиб бораётганини инобатга олиб, буюёк цехи очмоқчи эдим. "Қишлоқ қурилиш банк"нинг Андижон минтақавий филиалига кредит олиш учун мурожаат қилишим билан мутахассислар тегишли ҳужжатларни расмийлаштириш учун жамиятнинг молиявий ва моддий шартларини ўрганиб кетдилар. Уларнинг маслаҳатлари билан буюёк цехи ўрнига пайпоқ тўқши корхонасини ташкил этдик.

Банк томонидан ажратилган 300 миллион сўмлик кредитга хитойлик ҳамкорлардан 12 та энг замонавий дастгоҳ олиб келиб ўрнатдик. Технолояларимизнинг афзаллиги шундаки, бир кичик детални алмаштириш билан махсулот турини мавсумга қараб ўзгартириш мумкин. Бу эса корхонамизда ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксизлигини таъминламоқда. Ҳозирги пайтда кунга 3 мингта болалар, аёллар ва эркеклар пайпоқлари ишлаб чиқармоқдамиз. Дизайни бежирим, сифати юқори, таннархи эса арзон пайпоқлар хорижий харидорларга ҳам манзур бўлмоқда. Яратилган ўн та иш ўринининг тўрттасига коллеж битирувчиларини қабул қилганмиз. Келажақ-

лар кўрилмоқда. Зеро, молия муассасаси ўз фаолиятини "Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун" тамойили асосида олиб боришга катта эътибор қаратмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида 2013 йилнинг 11 ойи давомида тадбиркор аёлларни кўллаб-қувватлаш борасида

Реклама ўрнида

да пойабзал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятидамиз. Бу мақсадимизга эришишда яна "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмагидан фойдаланмоқчимиз.

— 2009 йилда касб-хунар коллежини тамомлаган эдим, — дейди Хўжаобод туманида истиқомат қилувчи яқна тартибдаги тадбиркор Шохсанам Тиллаева. — Оилавий мебеласоз бўлганимиз учун шу хунарни кунт билан эгалладим. Ўтган йили Тошкент шаҳридаги "Машхура" ўқув марказида дизайнлик курсларида ўқидим. Жорий йилнинг май ойидан мустақил иш бошладим. Бунда "Қишлоқ қурилиш банк"нинг молиявий кўмаги кўл келди. Ушбу молия муассасаси томонидан ажратилган 15 миллион сўм миқдордаги кредит бизнес-лойиҳамни рўйбга чиқаришда муҳим омил бўлди.

"Интилганга толе ёр", деганларидек, ёш тадбиркор Шохсанам Тиллаеванинг ишлари тез ривожланиб кетди. Бунда, албатта, унинг тиришқоқлиги, ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиши муҳим аҳамият касб этди. Ишбилармон тендер савдоларида Хўжаобод туманидаги 16 та умумтаълим мактаби ҳамда мактабга таълим муассасаларининг бюртмаларини бажариш ҳуқуқини қўлга киритди. Улар учун стул, парта, компьютер столи каби ўнга яқин турдаги махсулот етказиб берди.

— Ҳозир уй шароитида 150 турдаги ёғоч махсулотларини ишлаб чиқариш имкониятимиз бор, — дейди Ш. Тиллаева. — Аммо фаолиятимизни кенгайтириш учун алоҳида цех ташкил этишимиз керак. Келажақда шу орқали тенгдошларини иш билан таъминлашни мақсад қилганман. Давлатимиз раҳбари томонидан аёлларимизга хуна эгаллаш учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани бизни нафақат турмушимизни фаровон қилиш, балки юрт равнақига ҳам муносиб ҳисса қўшишдек эзгу мақсад сари руҳлантирмоқда.

Ана шундай эзгу ниятларда иш бошлаб, юрт тараққиётига дахлдорлик ҳисси билан ишаётган юртдошларимиз ўн та йилдан ёрдам кўрсатишни ОАТБ "Қишлоқ қурилиш банк" Андижон минтақавий филиали жамоаси ҳам ўз фаолиятининг устувор йўналиши, деб билади. Бу йўлда молия муассасаси бундан кейин ҳам барча имкониятларни ишга солади.

ЖАҲОН 24 соат ичида

АҚШнинг "Delta Airlines" авиаконпаниясининг интернетдаги сайтыда юзга келган техник носозлик туфайли икки соат мобайнида маҳаллий рейслар учун мўлжалланган чипталар ҳақдан зиёд арзон нархларда сотиб юборилди, дейилади "Associated Press" ахборот агентлиги хабарига.

Техник нуқсон қимматга тушди



Масалан, Огайо штатидан Миннесота штатига самолётда бормоқчи бўлганлар одатда 400 доллардан зиёдроқ маб-лаб сарфлашарди. Аммо сайтдаги муаммо туфайли йўловчилар чиптани 25 доллардан харид қилишди. Баъзи йўналишларда ҳатто 5-10 долларга ҳам чипталар бор эди. Ушбу янгилик интернетда жуда тез тарқалди ва қисқа вақтда брон қилинган жойлар сони ортиб кетди.

Кейинчалик "Delta Airlines" компанияси мутасаддилари бу техник носозлик оқибати эканлигини билдириб, арзон нархларда сотиб юборилган чипталар ҳақиқий деб ҳисобланганини ҳам маълум қилишди. Бундай аjoyиб имкониятдан қанча киши фойдаланиб қолишга улгургани айтимган.

Омадли болакай


Хитой оммавий ахборот воситалари мамлакат жанубидаги Гуанчжоу шаҳрида яшовчи икки ёшли болакай интернет-лотереядан 6,28 миллион юань ютиб олгани ҳақида хабар тарқатди.



Маълум бўлишича, боланинг ота-онаси унга клавиатура орқали ўзи истасан сонлар кетма-кетлигини босишни айтишган. Қарангки, айнан ўша рақамлар туфайли оила жекпотни қўлга киритган. Мана бунди омад деса бўлади.

Фалати ҳужум

Пирания балиги Ер юзидеги энг тажовузкор мавжудотлардан бири ҳисобланади. У тишлаганда инсон танасида оғир асоратлар қолдириши мумкин.



Аргентинанинг Парана дарёси қирғоғидаги чўмилиш жойида ўнлаб одамлар ана шу турдаги балиқлар ҳужумига учради. Улар орасида болалар ҳам бор. Гап шундаки, кейинги кунларда мамлакатнинг марказий ҳудудларида ҳаво харорати кўтарилиб, 37 даражадан тушмаяпти. Шу сабабли ҳам чўмилиш ҳавзалари анча гавжумлашган. Пирания балиқлари эса ҳақдан зиёд иссиқда янада тажовузкор бўлади. Аммо Парана дарёсида уларнинг одамларга оммавий вришида ташлангани билини марта таътилган.

Эълон

«K'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси боқичма-боқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Шайхонтохур тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар ЖИБ Олмазор тумани судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Шайхонтохур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м., фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 129 047 025 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 20 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 17 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниши мумкин. Талаборлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «K'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Фаровон ҳаёт тараннуми

Янги йил байрами муносабати билан пойтахтимиздаги "Истиқлол" санъат саройида "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳамкорлигида "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивалининг голиб ва совриндорлари иштирокида концерт бўлиб ўтди.

ФЕСТИВАЛЬ

"Янги йил муборак, Ўзбекистоним — сен мени мангу бўстони!" деб номланган ушбу тадбирда санъат усталари, "Нихол" мукофоти совриндорлари, ижрочилар, бадиий жамоаларнинг чиқишлари уюштирилди.

Айтиш кераки, мамлакатимизда ёш авлод маънавиятини юксалтириш, миллий мусиқа санъатимизни янада ривожлантириш, устоз санъаткорлар ижодини ёшларга пухта ўргатиш борасида изчил ислохотлар олиб боришмоқда. Уч йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий "Марди майдон" жонли ижродаги қўшиқлар фестивали ҳам ушбу йўналишдаги эзгу сай-ҳаракатлар самарасидир.

Миллий эстрада санъатимизни янада ривожлантириш, анъанавий ижрочилик,

академик хонандлик йўналишида изланаётган истеъмолдорлар аниқлашга қаратилган мазкур фестиваль иштирокчилари — ёш хонандлар "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси томонидан имтиёзли лицензиялар, махсус стипендиялар билан моддий ва маънавий рағбатлантириб берилмоқда. Пировардда, тадбир янги истеъмолдорларни кашф этаётгани билан ҳам аҳамиятлидир. Эътиборли жиҳати, бу йил мазкур фестиваль Қорақалпонистон Республикаси, Наманган ва Самарқанд вилоятларида ҳам ўтказилди.

Концерт давомида Ватан, бунёдкор халқимиз, тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаётимиз мадҳи, меҳр-муҳаббат туйғуларини тараннум қилувчи қўшиқлар ижро этилди.

Илҳом ЖҲРАЕВ.

ИЗЛАНИШ

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари жадал ривожланиб, экспорт салоҳиятини оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тобора ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Негаки, мазкур соҳага қаратилган эътибор, яратиб берилган қўлай шарт-шароит туфайли у кириб бормаган тармоқ деярли қолмади. Уларнинг сафи эса кун сайин янги-янги замонавий корхоналар ҳисобига кенгайиб, тайёрланаётган махсулот ва кўрсатилаётган хизматлар турлари муттасил равишда ортмоқда.

Кичик бизнес экспорти қўллаб-қувватланмоқда

Бунга Тошкент шаҳридаги "Asklepiy-Svit" Ўзбекистон — Буюк Британия қўшма корхонаси фаолияти мисол бўла олади.

2002 йилда ташкил этилган мазкур корхона соҳадаги ислохотлар эквиваленти бўлиб, бу ерда ўтган қисқа давр мобайнида импорт ўрнини босувчи тиббий махсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. "White Gold" савдо белгиси остида тайёрланаётган стерилланган жаррохлик кийимлари, тиббий салфеткалар, бинт, момик каби жами олтишдан зиёд турдаги махсулотлар нафақат ички бозорда, балки МДХ мамлакатларида ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.

Президентимизнинг 2013 йил 8 августдаги "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортини кўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори, айниқса, ислохотларнинг мантиқий давомий сифатида хусусий сектор ривожига янги даврни бошлаб берди.

Гап шундаки, ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳузурида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини кўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилиб, унинг зиммасига юртимиз-

да фаолият юритаётган минглаб компания ва корхоналарнинг махсулотларини хорижда кенг тарғиб қилиш, ташқи бозорда ўз ўрнини эгаллаш ҳамда турли халқаро кўргазмаларда иштирок этиши, хорижий ҳамкасблари билан ўзаро таъриба алмашишига кўмаклашишдек эзгу вазифалар юқлатилгани айни мuddо бўлди.

Ҳозирги пайтда корхона мазкур жамғарма билан мустақам ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб, биргаликда хориж мамлакатларида махсулотлар рекламасини тақдим этиш, ихтисослаштирилган халқаро кўргазмаларда қатнашиш, чет эллик

ҳамкорлар топиш йўлида изланмоқда. Бу эса тезда ўз самарасини бера бошлади: жамғарма кўмагида МДХ мамлакатлари компаниялари билан қиймати қарийб 700 минг АҚШ долларлик экспорт шартномалари тузилди.

Ҳар йили юртимизда фаолият кўрсатаётган юзлаб корхоналар ташқи бозорга махсулот чиқаришга муваффақ бўлаётгани кувонардидир. Биргина жорий йилнинг тўққиз ойида 469 та корхона экспорт фаолиятига жалб қилиндики, бу мамлакатимизда қўлай тадбиркорлик муҳити яратилиб, соҳа вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир.

Экспортчи корхоналар савдидан жой эгаллаган "Asklepiy-Svit" корхонаси жамоасининг бундан кейин ҳам янги ҳамкорлар топиши ҳамда фаолият кўламини кенгайтиришида жамгарманинг ташкилий, ҳуқуқий ва молиявий кўмаги катта аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, экспорт жамини ошириш, унинг таркибида кўшимча қийматга эга бўлган махсулотларни кўпайтиришга хизмат қилди, албатта.

Рашид АВЕЗОВ.

«K'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси боқичма-боқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Ромитан тумани СИБ томонидан Бухоро вилояти хўжалик судининг 2013 йил 14 ноябрдаги 20-1303/12199-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Ромитан тумани, «Богитуркон» ҚФЙ, Ўба Сарой қишлоғида жойлашган, қурилиш майдони 1818,22 кв.м.дан иборат бино-иншоотлар мажмуаси такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 212 189 649 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 23 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 21 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб таъиниши мумкин.

Талаборлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «K'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг ОАТ «Турон» банки Бухоро филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 202080030492060916, МФО: 00111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 221-58-70. www.1kms.uz rieltsavdo@inbox.uz

Лицензия: RR-0001.

«Тошкент труба заводи» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган махсулотларни харидорларга тақдим этади.

Мисланган пайвандлаш сими СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70, Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0, баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.

Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим, Ø 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0, баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.

Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари: 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20 ҳажмили, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган) МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девоини жамоаси масъул ходим М. З. Мелиевага волидан муҳтарамаси

СОҲИБА АЛИНННГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиоконпанияси жамоаси меҳнат фахрийси, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Ҳайбатилла АЛИЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита жамоаси қўмита масъул ходими Луффулла Убайдуллоевга палари бузруквори

Масиҳулла УБАЙДУЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Механизмлар назарисини ва машина деталлари кафедраси ассистенти Мурод Тўрақуллова палари бузруквори

Рустам ТўРАҚУЛОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.



ЭНГ ГУЛЛАГАН ЧОҒИМДА



Қорақул туманидаги 3-академик лицей ўқувчиси-ман. Буни алоҳида таъкидлашимнинг боиси бор. Ушбу лицейнинг ўнлаб ўқувчилари мамлакат, жаҳон ва халқаро миқёсда ўтказилган бир қанча фан олимпиадалари ғолиблари сафидан ўрин олишган.

Саодатли юртнинг бахтли қизиман

Ўзимга келсак, "Билимлар синови"нинг инглиз тили фани бўйича вилоят босқичи ғолиби сифатида шу нуфузли таълим масканида ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Бунгача туманимиздаги 52-ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида тахсил олдим. Интилишларим зое кетмапти. "Мустақам оила — оқибатли болалар" шiori остида ўтказилган иншоолар танловининг республика босқичида иккинчи ўринни эгалладим. Қатор кўрик-танловларда яхши натижаларга эришдим. Бадий таржима билан шугулланиб, инглиз халқ эртакларини ўзбек тилига ўғирдим. "Бегубор олам" деб номланган тўпламим чоп этилди. Спорт ҳамда хунармандчилик билан шугулланиб ҳам кам бўлаётганим йўқ. Божоним раҳбарлигидаги фермер хўжалиги қошида ташкил этилган цехда қорақул теридан бежирим либослар тайёрланиб, буюртмачиларга етказиб берилаяпти. Бўш пайтимда шу цехда тикувчилик сирларини ўрганаман. Дизайнерликка қизиқаман. Ўқиш ҳамда жамоат ишларидаги фаоллигим инобатга олиниб, 2013 йилда Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирландим. Бугун, биз, ёшларга ҳатто, хориждаги тенгдошларимиз ҳам ҳавас қилаётгани бежиз эмас. Илм олишимиз, касб-хўнар ўрганишимиз, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишимиз учун давлатимиз томонидан барча қулайликлар муҳайё этилган. Лицейимизнинг замонавий ўқув биноси, фан лаборатория хоналари, ахборот-ресурс марказидаги шарт-шароитларни кўриб, кўз қувонади. Бизга ўз касбининг фидойиси бўлган муаллимлар сабоқ беришмоқда. Қисқача айтганда, билимимизга билим қўшиш, ўз иқтидоримизни юзага чиқариш учун имкониятлар етарли. Ана шуларни ўйларканман, мана шу заминда туғилганимдан фахрланаман, ўзимни Ўзбекистоннинг бахтли қизи деб биламан. Шундай юртга муносиб бўлиш масъулияти мени янги мақсадлар сари ундайди.

Нафосат Жўрабекова, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси.

Қувонч

Бугунги кун ёшларининг интилишлари, қизиқишлари ўзгача. Орзулари юксак. Мухими, уларнинг эртанги кундан кўнгиллари тўқ. Чунки мамлакатимизда навқирон авлод вакилларининг ўқишлари, касб-хўнар ўрганишлари, спорт билан шугулланишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Бу имкониятлардан оқилона фойдаланган ёшларнинг орзулари ушалмоқда, мақсадлари рўёбга чиқаяпти. "Энг гуллаган ёшлик чоғимда..." саҳифасининг навбатдаги сониди

БУХОРОЛИК ана шундай ёшлар ҳақида сўз боради.

Мустақиллик йилларида барпо этилган Бухоро маданий маркази, оз эмас-кўп эмас, 107 гектар майдонни эгаллаган. Илгари бу ҳудуд қаровсиз ётган қулу пала-партиш ўсган дов-дараклардан иборат кўрмисиз бир жой эди. Инсон қўлини гул дейишгача бор. Президентимиз ташаббуси ва ғоялари асосида бу ерда муҳташам марказ барпо этилди. Ноёб дараклар, анвойи гуллар парварши қилинаётган боғда учта йирик иншоот — 700 ўринли вилоят музика драма театри биноси, икки минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр ҳамда "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи жойлашган.

аъзоликка қабул қилишга бағишланган маросимини ҳам монумент қошида ўтказиш аънаъна тусини олган.

— Шаҳримизда теннис бўйича кўплаб мусобақалар ўтказилгани боис бошқа вилоятлар ва ҳатто, чет эллардан ҳам дўстлар орттирганман, — дейди Бухоро давлат университети талабаси, спорт устаси Азизбек Луқмонов. — Уларнинг "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини ҳавас билан томоша қилганларини кўриб, гурурланаман. Шундай бунёдкор элимизга муносиб фарзанд бўлиш мақсадини дилимга тугаман...

Дарҳақиқат, маданий Бухоро заминларида ва юртимиз меҳмонларининг севимли маскани саналади. Мустақиллик, Наврўз байрамлари тантаналари айнан шу ерда ўтказилапти. Қадимий шаҳарга келган сайёҳлар ҳам "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини, албатта, зийрат қилишади. Зеро, ушбу маданий марказ эртанги кунга, нури истиқболга бўлган ишончни мустаҳкамлаб, замондошлар қалбиди ифтихор, ҳавас туйғусини уйғотади.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Маданий марказдаги барча йўлақлар монументга келиб туташади. Зинапоялар орқали кўтарилганингизда дастлаб эътиборни зарҳал кошлар тортади. Унда "Бухоро тупроғи олтинга тенг" деган фалсафий маъно муҳассам. Монументда Бухоро заминда етишиб чиққан буюқ мутафаккирларнинг номлари зарҳал харфлар билан битилган. Биткилар тепасида эса "Илм ўрганмоқ ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун фарздор", деган ҳадис ўзбек, инглиз ва араб тилларида ёзиб қўйилган. Монумент марказидаги эъвлод тасвирида ҳам фалсафий маъно бор. Унда ҳаётнинг абадийлиги, умрининг ўткнчилиги, бу дунёда фақат эзгу амаларгина қолиши ҳақидаги умумбашарий мазмун сингдирилган. — Президентимиз 2010 йилнинг

Авлодлар эҳтироми

30 август куни Бухорога ташриф буюрганларида ҳар бир киши монументда ифодаланган бу ғоялардан хулоса чиқаришни, уларнинг мазмун-моҳиятини барчага, биринчи навбатда, ёшларимизга кенг ва чуқур тушунириш лозимлигини таъкидлаган эдилар, — дейди вилоят "Камалат" болалар ташкилоти раиси, "Шухрат" медали соҳиби Адолат Акрамова. — Биз шундан келиб чиққан ҳолда, вилоятимиз ёшлари иштирокидаги оммавий тадбирларни айнан мазкур марказда ташкил этаёلمиз. Ўғил-қизларни ташкилотимизга

марказ бухороликлар ва юртимиз меҳмонларининг севимли маскани саналади. Мустақиллик, Наврўз байрамлари тантаналари айнан шу ерда ўтказилапти. Қадимий шаҳарга келган сайёҳлар ҳам "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини, албатта, зийрат қилишади. Зеро, ушбу маданий марказ эртанги кунга, нури истиқболга бўлган ишончни мустаҳкамлаб, замондошлар қалбиди ифтихор, ҳавас туйғусини уйғотади.



Рақамлар сўзлайди:

ВИЛОЯТДА:

- 64 Аҳолининг фоизини ёшлар ташкил этади.
- 534 та умумтаълим мактаби,
- 19 та болалар музика ва санъат мактаби,
- 14 та "Баркамол авлод" маркази,
- 88 та касб-хўнар коллежи ва лицей ҳамда 3 олий ўқув юрти ва 1 институт филиали фаолият кўрсатмоқда.

ЖОРИЙ ЙИЛДА

- Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари эвазига 85 та спорт объекти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Болалар музика ва санъат мактабларининг 13 таси замонавий ўқув биноларига эга бўлди.
- 100 нафардан зиёд бухоролик спортчилар жаҳон, Осиё, республика миқёсида ўтказилган нуфузли турнирларда совриндорлар қаторидан жой олди.

Аҳд

Мумтоз санъатимиз маҳлиёсиман

Устозларимдан жуда миннатдорман. Айниқса, музика ўқитувчиси Моҳира Худойбердиева ҳамда Матлуба Явобова, Раҳматилло Иноятов, Ориф Атоев сингари миллий санъатимиз жонқурларни қўлида сабоқ олган давларимни ҳеч қачон унутмайман. Негаки, айнан шу устозларимнинг санъат сирларини кўриб билан ўргатишлари туйғайли бирин-кетин ютуқларга эриша бошладим. Масалан, 2009 йилда "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловига биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Худди шу йили ўрта махсус, касб-хўнар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида ўтказилган "Ёш ижрочилар" танловининг республика

босқичида фахри иккинчи ўринни кўлга киритдим. 2010 йилда эса ёш ҳаваскорлар ўртасидаги танловнинг мақом йўналишида республика ғолиби деб топилдим. Ўзбек мумтоз санъати намуналарини ижро этиб, халқимизга манзур қилиш йўлидаги изланишларим ўз эътирофини топди. 2013 йилда "Нихон" мукофоти совриндори бўлдим. Бунга биз, ёш санъаткорларга давлатимиз томонидан кўрсатилаётган қанча ғамхўрлик натижаси, деб биламан. Мамлакатимиз, жумладан, Бухорода ёш иқтидор эгалларининг музика таълими олишлари учун барча нарса муҳайё этилган. Замонавий ўқув бинолари, энг

сўнги русумдаги музика асбоблари ёшлар ихтиёрида. Шуларни бир-бир кўз олдига келтириб, элор кўз олдига ўзимни қарздор ҳис қиламан. Айни дамда Ўзбекистон давлат консерваториясида тахсил олаётган. Пойтахтимизда ўтказиладиган тадбирларда фаол қатнашиб, Ўзбек мумтоз санъати намуналаридан илҳомланган бўлишимизда устоз санъаткорларнинг ўқишларини тинглаб, улар ижодидан руҳланаман. Улардек ўлмас кўшиқлар яратишни орзу қиламан.

Дилфуза ҚОБИЛОВА, «Нихон» мукофоти совриндори.

Лойиҳам эътироф этилди

Инсон доимо ўз турмуш шароитини янада яхшилашни ва бунда иқтисодий жиҳатдан тежамкор ресурслардан фойдаланишни истади. Бу ниятга эса меъморий ечимларсиз эришиб бўлмайди.

Негаки, архитектор бино тарҳини чицаётиб, бўлгуси иморатнинг табиий иқлимга мос бўлишини, албатта, ҳисобга олади. Унинг қишда иссиқ, ёзда салқин туриши ҳақида уйлайди.

Тураржой табиий иқлимга мос тарзда қурилса, уни қишда иситиш, ёзда салқин тутишга сарфланадиган энергия манбалари тежаллади. Қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари юзага келади. Агар тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз азалдан шу жиҳатларни ҳисобга олишганига гувоҳ бўламиз. Уйлар кўёшга қарата қурилган. Қолаверса, Бухоро шароитида ички ва ташқи ҳовлилар бўлган. Қиш фаслида оила аъзолари жанубга қарата барпо этилган уйларида, ёзда эса шимолга қарата қурилган хоналарда истиқомат қилишган. Жазирама иссиқ кунларида дарвозахона ҳамда ертўла деразалари орқали шамол ўтиб, ҳовлида мўътадил иқлим ҳосил қилинган. Қурилишда сомон, ёғоч каби табиий ресурслардан оқилона фойдаланилган. Бинобарин, энергия тежамкор уй-

жойлар қуришда тарихан шаклланган тажрибага замонавий ёндашув керак. Мен шундан келиб чиққан ҳолда устозим, доцент Шамсиддин Мирзаев раҳбарлигида экоконструкциялар яратиш устида изланишлар олиб бораёяман.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам яшаш учун қулай, экологик жиҳатдан мақбул бинолар лойиҳаларини тайёрлаш йўлидаги ҳаракатларим зое кетмапти. Чунки, "Архитектуранинг беш фасади" халқаро кўрик-танловига лойиҳам билан қатнашиб, фахри ўринни эгаллашга муваффақ бўлдим. Яқинда институтимизда Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган кўргазмада бир гуруҳ талабалар қатори мен тайёрлаган ишланмалар ҳам намойишга қўйилди.

Мақсадим, келгусида малакали мутахассис бўлиб етишиш ва юрtdошларимиз учун экологик қулай, энергия тежовчи уй-жойлар лойиҳаларини тайёрлашдир.

Темир НИГМАТОВ, Бухоро муҳандислик-технология институти талабаси.

Рағбат

Қайта тикланадиган энергия манбаларидан самарали фойдаланиш имкониятлари юзага келади. Агар тарихга назар ташласак, ота-боболаримиз азалдан шу жиҳатларни ҳисобга олишганига гувоҳ бўламиз. Уйлар кўёшга қарата қурилган. Қолаверса, Бухоро шароитида ички ва ташқи ҳовлилар бўлган. Қиш фаслида оила аъзолари жанубга қарата барпо этилган уйларида, ёзда эса шимолга қарата қурилган хоналарда истиқомат қилишган. Жазирама иссиқ кунларида дарвозахона ҳамда ертўла деразалари орқали шамол ўтиб, ҳовлида мўътадил иқлим ҳосил қилинган. Қурилишда сомон, ёғоч каби табиий ресурслардан оқилона фойдаланилган. Бинобарин, энергия тежамкор уй-

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълолар 232-11-15.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бемуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳах — Ш. Машраббеков.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.05
Тошпирилди — 21.05 1 2 3 4 5